

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**251** **Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг янгиланган таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссия (Мирзаев):

Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси тўғрисидаги янгиланган низомни бир ой муддатда тасдиқласин;

Комиссия фаолиятининг қонун ҳужжатлари талабларига қатъиян мувофиқ равишда ташкил этилишини таъминласин;

этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари муомалада бўлишдан тушадиган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши, шунингдек бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорликларга йўл қўйилмаслиги юзасидан назоратни кучайтирсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги янги қувватларни ишга туширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар беришда этил спирти ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш балансининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрларига қатъиян амал қилсин.

5. «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК холдинг компания таркибига кирадиган корхоналарда этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилиши ва технологик талабларга риоя этилиши юзасидан мониторингни кучайтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини

тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда):

а) 3-банддаги «хамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 апрель,
192-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 7 апрелдаги 192-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли
маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини
ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш
фаолиятини лицензиялаш комиссияси
ТАРКИБИ**

Мирзаев З.Т.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Комиссия раиси
Парпиев Б.Р.	— Давлат солиқ қўмитаси раиси, Комиссия раисининг ўринбосари
Мирзаев М.М.	— Молия вазирининг ўринбосари
Тохирий М.В.	— Давлат божхона қўмитасининг раиси
лавозими бўйича	— Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
Хаитов А.А.	— «Ўзстандарт» агентлигининг бош директори
Раҳимов Ш.Н.	— «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Абдуллаев А.О.	— «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси раиси
Дусанов З.А.	— Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромад- ларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи
лавозими бўйича	— Молия вазирлигининг молиявий инспекторлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
Қирғизбоев Ф.Д.	— Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи

251-252-моддалар

— 112 —

15 (775)-сон

- лавозими бўйича — «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясининг махсус инспекторлик бўлими бошлиғи
- Обидов М.Х. — Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари АТД етакчи мутахассиси, Комиссиянинг масъул котиби.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функциялар зиммасига юкланган шахслар киритилади.